

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ

ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ



Тошкент 2015

УЎК: 291.35
КБК: 86.38
Э 99

Инсонлар ҳаёти бевосита зиёратгоҳлар билан боғлиқ. Кишилар ўтганларни зиёрат қилиши, қабристонлар, қадамжоларга тез-тез бориб туриши ҳаётларининг ажралмас қисми эканини эътироф этадилар. Мустақиллик йилларида юртимизда кўплаб олиму фозиллар мақбаралари обод этилиб, сўлим ва серфайз масканларга айлантирилди. У ерларга маҳаллий аҳолидан ва яна дунёнинг кўплаб мамлакатларидан зиёратчилар келмоқдалар. Бу эса зиёрат тартиб қоидаларига, одобларига доир кўплаб саволлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун оммага зиёрат одобларини тушунтириши, уларга бу борада керакли тавсияларни доимо бериб туриши лозим.

Умид қиламизки, ушбу китоб бу борада халқимиз, айниқса, ёш авлод учун фойдали бўлади.

Китоб “Кексаларни эъзозлаш йили” дастури доирасида нашрга тайёрланди.

Эшонқулов, Зайниддин

Зиёрат одоблари / 3. Эшонқулов; масъул муҳаррир: Муҳаммад Бобур Йўлдош. – Тошкент: Movarounnahr, 2015. – 52 б.

КБК 86.38
74.200.51

Масъул муҳаррир:
Муҳаммад Бобур Йўлдош

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1281-рақамли
хулосаси асосида нашрга тайёрланди*

ISBN 978-9943-12-330-4

© Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ.
© «Movarounnahr», 2015.

“Тарихий хотира – бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир”.

Ислом КАРИМОВ

ЗИЁРАТ

“Зиёрат” сўзи луғатда қасд қилиш, ташриф буюриш, кўргани бориш деган маъноларни англатади. Унинг истилоҳий маъноси ҳам луғавий маъносидан айро бўлмаб, урфда зиёрат деганда бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш тушунилади. Масалан, муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян амалларни бажариб келиш. Аллоҳ таолонинг ризолигини истаб мусулмон биродарининг ҳолидан хабар олиш.

Биринчи маъно борасида қуйидаги ҳадислар ривоят қилинган: Бурайда ибн Ҳусайб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): «Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди уларни зиёрат қилинглaр», дедилар» (*Муслим ривояти*).

Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинган ҳадисда:

«Албатта, Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларни зиёрат қилишга рухсат бердилар», дейилган (*Ибн Можа ривояти*).

Иккинчи маъно борасида ҳам кўплаб ҳадислар мавжуд. Жумладан, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Қачон бир киши биродарини беморлигида кўргани борса ёки зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: “Сен яхши инсон бўлдинг, сенинг юришинг ҳам хушҳол бўлди ва жаннатдан бир манзилни эгалладинг”, дейди”.

Одатда, қабрлар, муқаддас жойлар, солиҳ кишилар, биродарлар, беморлар зиёрат қилинади. Ушбу зиёратлардан ҳар бирининг ўзига хос тартиб-қоидалари, одоблари мавжуд. Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамыз.

ЗИЁРАТГОҲЛАР ФАЗИЛАТИ

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари хайрли ишларга чорлаган. «Алпомиш» достонида қуйидаги таъриф келтирилади: «Вақт-бевақт киши бир мозорнинг ёнидан ўтса, чап оёғини узангидан чиқариб, мозордаги одамларнинг ҳаққига дуо қилса, бул ҳам сахий, агар ким мозордан ўтганда, чап оёғини узангидан чиқармай, мозор аҳлининг ҳаққига дуо қилмаса, бул ҳам бахил экан».

Зиёратгоҳларни ўрганиш бир вақтнинг ўзида меъморий обидалар тарихини тадқиқ этишда яқиндан ёрдам беради. Шу билан бирга халқимизнинг кўп асрлик эътиқодий қарашлари, урф-одатлари ва анъаналари ҳамда моддий маданиятининг нодир намуналарини ўзида сақлаб келаётган муқаддас зиёратгоҳлар меъморчиликнинг асрий ва анъанавий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам

кейинги давр меъморчилиги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, зиёратгоҳлар азалий кадриятларимизнинг асл намуналарини ва анъанавий миллий урф-одатларимизни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Зиёратгоҳларнинг ҳар бири маълум бир туман, қишлоқ ва маҳаллаларда яшовчи маҳаллий аҳоли турмушида ҳамда уларнинг диний қарашларини ифодаловчи маскан сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиё халқларида қадимги даврлардан бошлаб инсонлар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларнинг аксарияти муқаддас жойларни зиёрат қилишнинг самараси сифатида эътироф этиб келинган ва маиший ҳаётдаги шахсий муаммолар билан боғлиқ эътиқод шакллари асрлар давомида шаклланиб, ментал қиёфага доир бошқа муҳим жиҳатларга, жумладан, она юрт, ота-боболар руҳи покига эъзоз ва ҳурмат одобининг шаклланишига таъсир кўрсатиб борган.

Бундан ташқари, аҳолида меҳнатсеварлик хислатларини кучайтиришда зиёратгоҳлардаги авлиёлар ҳаёт тарзи муҳим аҳамият касб этади. Улуғ зотларнинг авлиёлик даражасига етиши асосида тинимсиз меҳнат ётганлиги боис аҳоли ўртасида меҳнатга бўлган муносабат авлиёлар ҳаётига тақлидий равишда кечган. Бу қарашлар Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» шиорига ҳамоҳанг ҳолда олиб борилган. Муқаддас қадамжолар билан боғлиқ халқ қарашларида аввало поклик бош мезон бўлиб, дилозорлик, бировлар ҳақиға кўз олайтирмаслик, фоҳишабозлик, ичкиликбозлик каби қабих ишлар қаттиқ қораланган.

Ўтганларни ҳурмат билан ёдлаш қон-қонимизга сингиб кетган. Бундай ҳурмат намунасини, мисол тариқасида, буюк бобомиз Амир Темур қилган ишларда кўришимиз мумкин. Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавий ва Қафқол Шоший каби улуғ зотлар қабрлари топталишининг олдини олиш мақсадида мақбаралар курдирган.

Айни пайтда ушбу ҳурматнинг узвий давомини муҳтарам Юртбошимизнинг маданиятимиз ва миллий маънавиятимизни қайта тиклаб, асл ҳолига қайтариш борасида олиб бораётган ишларида кўрамиз. Юртбошимиз истиқлолнинг илк даврдан бошлаб дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз мақбараларини қайта қуриб-тиклаш, таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бунга мисол сифатида Самарқанддаги Имом Бухорий, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний мажмуалари ва Тошкентдаги Муҳаммад Қафқол Шоший – Ҳазрати Имом мажмуаси қайтадан тикланганини эслаб ўтиш кифоя.

Ҳар қандай инсонни кадрлаб, ҳурматини ўз ўрнига қўядиган доно халқимиз хотирани муқаддас туйғу деб билади. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мустамлакачилик даврида Ватанимиз истиқлоли учун курашиб, оқибатда қатағонга учраган аждодларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида хотира майдонлари барпо этилди.

Яхши ниятлар ила ана шундай табаррук зиёратгоҳ, қадамжо ва азизу авлиёлар қўним топган масканларни зиёрат қилишга отланарканмиз, зиёрат одобларини ўрганиб уларга амал қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

ИСЛОМ ДИНИДА ЗИЁРАТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ

Ислом динида дастлаб қабрларни зиёрат қилиш ман қилинган эди. Негаки, жоҳилият даврида араблар мусибат етганида Аллоҳнинг тақдиридан норози бўлиб, ғазабланишар, қабр тепасига бориб оху воҳ қилишарди. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларини фитнадан сақлаш учун қабр зиёратидан қайтарган эдилар. Кейинчалик саҳобаи киромлар қалбларига имон чуқур ўрнашиб эътиқодлари мустаҳкам бўлгач, уларга қабрларни зиёрат қилишга рухсат бердилар.

Барчага маълумки, инсон доимо ўлимни эслаши, бугунми, эртами унга йўлиқишини ёдда тутиши лозим. Бу иши уни кўп яхшиликлар қилишга ундайди, нафсини эса покланишга олиб келади. Умар (розияллоҳу анҳу)-нинг узукларига ҳам «Ўлим ваъз-насихат олишга кифоя қилади, эй Умар», деб ёзилгани ривоят қилинган. Ўлимни эслаш учун энг қулай жой эса қабристондир.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, қабрларни зиёрат қилиш даври саодатдан бери давом этаётган, бево-сита Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кўрсатмалари билан машру бўлган амаллардандир.

Лекин вақт ўтиши билан кўплаб шаръий ишларда бўлгани каби қабр зиёратида ҳам турли бидъатлар кўрина бошлади. Тўғри ишлар нотўғриси билан аралашиб кетди. Натижада уламолар айнан ушбу мавзуга ҳам алоҳида тўхталиб, машруни номашрудан, суннатни эса бидъатдан ажралиб туриши учун қоидаларни ўрнатдилар. Шундай қилиб, амалга оширилаётган зиёратлар уч навга бўлинди: шаръий зиёратлар, бидъат аралашган зиёратлар ва ширк зиёратлар.

Шаръий зиёратдан охиратни эслаш, қабрда ётган кишининг ҳаққига дуойи хайрлар қилиш ва суннатга эргашиш мақсад қилинган бўлади.

Бидъат аралашган зиёратларга асли шариатда қайтарилмаган, лекин қабрлар олдида қилишга рухсат берилмаган ишларни амалга ошириш киради. Масалан, улуғ зотларнинг қабрини муқаддас, Аллоҳга суюкли жой деб ҳисоблаб, у ерда намоз ўқиш ва бошқа ибодатларни қилиш каби ишлар. Бу ишларнинг мумкин эмаслиги борасида бир неча ҳадислар келган. Жумладан, Ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан қилинган ривоятда:

“Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етти ўринда намоз ўқишдан қайтардилар: ахлатхонада, қассобхонада, байтуллоҳ устида, қабристонда, йўл ўртасида, ҳаммомда, туянинг қўтонида”, дейилган.

Ширк зиёратлари эса шариат қоралаган, ақидага зид бўлган ишларни қилишдир. Масалан, қабрларни

улуғлаш, улардан мадад сўраш, улар учун қурбонлик, назр қилишга ўхшаган ишлар. Аллоҳ таоло учун бажариладиган амалларни қабрда ётган банда учун қилиш эса очиқдан-очиқ ширкдир.

ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИГА ЗИД ИШЛАР

Халқимиз азал-азалдан олим, фозил, солиҳ инсонларнинг ҳурматини жойига қўяди. Ҳатто улар ўтгандан сўнг ҳам қабрларини обод этиб, зиёратгоҳга айлантирадилар.

Бугунги кунда юртимизнинг барча жойларида обод зиёратгоҳлар, қадамжоларни кўриш мумкин. Зиёратгоҳларимизга, нафақат ҳамюртларимиз, балки дунё бўйлаб сайёҳлар, зиёратчилар ташриф буюрмоқдалар. Аксарият кишилар у ердан ўзларига руҳий сокинлик топиб, турли хил бидъат-хурофотларга яқинлашмай зиёрат қилиб кетмоқда. Лекин айримлар зиёрат одоблари, қонун-қоидаларини билмаганликлари туфайли шариятга мос келмайдиган, ишларга ружу қўймоқда. Ушбу бидъатлар бир неча кўринишлардан иборат бўлмоқда. Жумладан:

– қабрдаги кишидан ҳожатини сўраш. Бу шариятдан энг узоқ зиёрат кўринишидир. Бунда ўтганлар руҳидан мадад сўралади, ишларида қўллаши тиланади. Шунингдек, қабрларга қараб сажда қилиш, уларни ўпиш, силаш, тавоф қилиш ҳам шу навдаги бидъатлардандир;

– қабрдаги кишининг номи билан Аллоҳдан ҳожатини сўраш. Бу амал ҳам бидъатлар туркумига киради. Чунки бундай тавассулларга Аллоҳ изн бермаган. Бу амал динда рухсат берилган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), пайғамбарлар (алайҳимуссалом), саҳобаи киромлар ва бошқа муқарраб бандаларни васила қилиб дуо қилишга қиёсланмайди. Чунки баъзилар василани биз оми халқнинг илтижоси Аллоҳга етиб бормайди. Шунинг учун ўз истак ва хоҳишларимизни муқарраб

бандаларга ҳавола қилиб, сўрайдиган нарсаларимизни улардан сўрашимиз керак, деб тушунишади. Бу эса очиқ жаҳолат ва буюк шахсларни илоҳийлаштиришдир;

– қабристонларни дуо қабул бўладиган жойлар деб ҳисоблаш. Яъни масжидларда қилинган дуодан кўра қабристонда, буюк инсонлар мақбараси олдида қилинган дуо афзал ва тез ижобат бўлувчи деб ҳисоблаш;

– қабристонларда шам ёқиш, таом пишириб ейиш, дарахтларига латта боғлаш, тупроқларидан олиб кетиш ҳам киши сақланиши лозим бўлган бидъатларга киради.

Демак, зиёрат қилувчи киши қилган зиёратидан савоб олишни умид этса, юқорида саналган бидъатлардан узоқ бўлиши лозим.

ЗИЁРАТ ҚИЛУВЧИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

1. Аввало зиёрат учун руҳан ва жисмонан покланиш лозим (имкон даражасида зиёратгоҳга таҳорат билан кириш мақбулдир).

Барча ишлардаги каби зиёратда ҳам биринчи навбатда инсон ниятини гўзал қилиши керак. Зиёратидан фақат Аллоҳнинг розилиги, ибрат ва қабрдаги киши ҳақиқа дуо қилишни мақсад қилмоқ лозим. Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади. Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилган бўлса, ўшанга бўлади», дедилар» *(Бешовлари ривоят қилишган)*.

Банданинг савоб касб қилиши уч наrsa; дил, тил ва бадан орқали бўлади. Ушбу ҳадисда дил орқали бўладиган наrsa тўла баён қилинган. Чунки дин ички ва ташқи амаллардан иборатдир. Ички амал ниятдан

иборат, ният эса қалб ила бўлади. Демак, зиёратчи биринчи ўринда ниятини тўғрилаши керак.


Руҳан покланиш учун лозим бўлган иккинчи жиҳат ихлосдир. Чунки ихлоссиз қилинган амалнинг савоби кам бўлади. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадиларки: «Албатта, Аллоҳ яхшиликлар ва ёмонликларни ёзиб қўйди. Сўнгра ўшани баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд этсаю, унга амал қилмаса, Аллоҳ уни Ўз ҳузурида баркамол бир яхшилик қилиб ёзиб қўяди. Агар уни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ азза ва жалла уни Ўз ҳузурида ўнтадан етти юз яхшиликкача, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади. Агар бир ёмонликни қасд этсаю унга амал қилмаса, Аллоҳ уни Ўз ҳузурида бир яхшилик қилиб ёзади. Агар у (ёмонлик)ни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ уни бир ёмонлик қилиб ёзади», дедилар» (*Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган*).

Ушбу ҳадисда Исломнинг гўзаллиги, қанчалик даражада яхшилик тарафдори эканию, ёмонликка қанчалик қарши экани баён қилинмоқда. Асосан, амалга бериладиган ажру савоб банданинг ихлосига қараб бўлиши айтилмоқда. Чунки бир хил ният билан бир хил амални бажарган кишиларнинг бирига ўн ҳисса, иккинчисига етти юз ҳисса, учинчисига ундан бир неча баробар кўп савоб берилиши аввало ихлосга қараб бўлади.

Ихлос билан қилинган ибодатнинг савоби ана шундай кўпдир. Ихлос самараси ўлароқ банда ўз Раббига қилган ибодатнинг лаззатини топади, қалби мусаффо бўлади, нурга тўлади ва амалига қўшимча савоб топади. Ихлосли банда ваъз-насихат ва ибратлардан ўзига тезда фойда олади.

Ниятни гўзал қилиб, ихлосни қалбга тугилгач, энди покликка, бадан ва кийим тозалигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, ислом поклик устига қурилган диндир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) ҳадисларида: “Поклик имоннинг ярмидир”, деганлар. Ибодатлар олдидан, жамоат тўпланадиган жойларга боришдан олдин тозаланиб, ювиниб олиш динимизда алоҳида таъкидланган. Зиёрат ҳам ибодат ҳисобланади. Унда инсон қалби юмшаб, охиратни эслаб, Раббига яқинлашади. Шундай бўлгач, зиёратчи бадани ва кийимининг поклигига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ояти каримада гуноҳларга тавба қилувчи ва ҳамиша пок, озода ва саранжом-саришта юрадиган инсон Аллоҳга доимо маҳбуб эканлигини эслатиб шундай дейилган:



Яъни: «**Албатта, Аллоҳ (шунгача билмай йўл қўйган хатоларидан) чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади**» (Бақара, 222).

Шу ўринда таҳорат олиш қандай амалга оширилишини эслатиб ўтамыз:

иккала қўлни билагигача ювилади;

оғизга сув олиб, оғиз бўшлиғи ва тишлар билан уч марта чайилади;

бурунга сув тортиб уч марта яхшилаб ювилади;

юзни уч марта иякдан пешонанинг соч чиққан еригача, икки қулоқнинг юмшоғигача ишқалаб ювилади;

билакларни тирсаклари билан уч марта ювилади;

икки қўлни сувга намлатиб, бошга тортилади ва бош бармоқларни қулоқлар атрофларига айлантирилади ва қўлнинг орқа томонидаги намликни бўйнининг икки томонига суртилади;

аввал ўнг, кейин чап оёғ тўпиғи билан уч марта ювилади;

2. Зиёратгоҳ ҳудудига кирилганда қабр аҳлига салом берилади ва Қуръон оятларидан ўқилади.

Қабристонни зиёрат қилиш чоғида қуйидагиларни алоҳида эътиборга олиш лозим бўлади. Аввало қабристонга кирилганида: “Ассалому алайкум, ё аҳлал

қубур”, яъни: “Сизга салом, эй қабристон аҳли”, деб салом берилади.

Қабрларни зиёрат қилиш суннат амаллардандир. Демак, қабристонга борганда у ерда ётган марҳумларнинг аҳволини ўйлаб, ундан ҳар ким ўзига ўғит ва ибрат олиши лозим. Зеро, улар ҳам бизлардек яшаганлар, турли амалларни қилиб бу дунёдан ўтганлар. Ҳозирда ўша қилмишларига яраша бир қадар Аллоҳнинг ажри ёки уқубатига дохил бўлган ҳолда ётурлар. Бу эса ҳар қандай инсонни фикр қилишга ундайди.

Қабристон зиёрат қилинган пайтда марҳумлар руҳига бағишлаб тиловати Куръон ва дуойи хайрлар қилинади. Маълумки, азиз-авлиёларнинг мақбараларини, шунингдек, яқинларимизнинг қабрларини зиёрат қилиб туриш Ислом динида савобли ишлардан саналади. Одоб билан бориб тиловат ва дуо қилиб савобини шу қабр соҳибининг руҳига бағишлаб, биздан ва авлодларимиздан шу зотлар каби улуғ инсонлар чиқаргин, деб яратганга илтижо қилинади.

Қабр йўқолмаслиги учун бир белги сифатида унинг устига тош ёки тахта қўйиш мумкин. Уларга сана ва номларини ёзиб қўйиш мумкин, аммо дабдабали қабр тошлари ўрнатиш исроф ҳисобланади. Шариат бундай нарсалардан қайтаради.

Вафот этган кишининг руҳини шод этадиган амаллар:

Куръон ўқиб савобини унинг руҳига бағишлаш, дуойи хайрлар қилиш, эҳсон ва садақалар улашиш кабилардир.

Шунингдек, қабристонларни қаровсиз қолдирмаслик, балки уларни обод ва озода сақлаш айна савобли ва ибратли ишлардандир.

Бизнинг ҳанафий уламоларимиз аёллар овоз чиқариб йиғлаш ва бошқа ношаръий ҳолатлардан сақланган ҳолда қабрларни зиёрат қилишлари мумкинлигини айтиб ўтишган. Жумладан, Шамсул аймма Сарахсий: “Улар қабрларни зиёрат қилсалар, зарари йўқ”, деган. Демак, аёллар қабристонга бориб, у ерда овозлари

борича йиғлашлари, битган ярани янгилаб, ҳаммани ғамга ботиришлари мумкин эмас. Маълумки, аёллар қалби бўш, тез таъсирланувчи бўлиб, улар қабристонга борсалар, йиғи-сиғи қилиш, дод-вой солиш, овозни баланд кўтаришлари эҳтимоли бор. Агар улар ибрат олиш учун, ота-оналарини эслаб, улар ҳақиға дуо қилиш учун борсалар, жоиз. Аммо бунда либос ва зийнат бобида камтарона иш тутишни унутмасликлари лозим. Яъни, қабристонга борадиган аёлнинг аврат жойлари ёпиқ бўлиши, уни кўрган эркакнинг хаёли чалғимайдиган, атир ва бошқа хушбўй нарсалар суртмаслиги шарт.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) қабрларини зиёрат қилиш эркак ва аёлларга бирдек жоиздир деганлар. Уламолар бу иш мустаҳаблигига иттифоқ этишган.

Қабристонда Қуръони карим сураларидан хоҳлаганини ўқиш мумкин. Аммо Фотиҳа, Оятул Курсий, Таборак, Залзала, Такосур, Ихлос сураларини ўқиш алоҳида таъкидланган. Тиловатдан сўнг қабристонда ётган ҳамма мўмин-мусулмон маййитларга тиловат савоби бағишланади. Маълум шахсларга хослаш ҳам мумкин, афзали барча мусулмон маййитларга бағишлашдир. Сабаби қабристонда биронта ҳам яқин кишиси бўлмаган фақир ва ғариб маййитлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Душанба, пайшанба, жума ва шанба кунлари қабрларни зиёрат қилиш учун энг афзал вақт саналади. Жума куни намоздан кейин қабрларни зиёрат қилиш яхшидир. Шанба куни кўёш ботгунича, пайшанба куни куннинг аввалида зиёрат қилинади. Шунингдек, бошқа фазилатли кунларда қабрларни зиёрат қилиш мумкин.

3. Зиёратга ташриф буюрган сайёҳ ва зиёратчилар авратни беркитувчи либосларда бўлишлари лозим.

Маълумки, бугунги кунда зиёратгоҳлар аҳолининг энг гавжум жойларидан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, ёшлар, келин-кўёвларнинг бу ерга ташрифи бошқалардан

кўра кўпроқ эканлиги кузатиляпти. Уларнинг аксарияти миллийлигимизга мос келмайдиган кийимларда, қўл ушлашиб, одоб-ахлоқ чегараларини четлаб ўтаётгани албатта, ижобий бўлмаган ҳолатдир.

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Қабр – жаннат боғларидан бир боғ ёки дўзах чоҳларидан бир чоҳдир”, деганлар. Яъни, киши ҳаёти давомида хайрли ишларни қилиб, охиратда Аллоҳнинг фазлига эришган бўлса, унинг қабри жаннат боғларидан бир боғга айланади. Солиҳ зотларнинг қабрлари дунёда қилган амаллари туфайли жаннат боғига айланган жойлардир. Аллоҳ таоло айтади:

“Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар” (Юнус, 62).

Аллоҳнинг дўстларига ҳам бу дунёда ва ҳам охиратда ҳеч қандай хавф йўқдир. Улар икки дунёда ҳам тўлиқ омонликдадирлар. Ана ўша бахтиёр шахслар, Аллоҳнинг дўсти мақомига муяссардир, икки дунёда хавфдан холи бўлганлар. Шундай экан, уларнинг ҳурматларини бажо келтириб, миллийлигимизга мос либослар ила, қабрларини зиёрат қилишимиз даркор. Шунингдек, дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйлаш, зиёратгоҳда виқор билан сокин юриш, мўминларнинг яхши сифатларини эсга олиш, зиёратдан сўнг ниҳоятда сокин, вазмин, тафаккур ва тадаббур ила қайтиш зиёрат одобларидандир.

4. Зиёратгоҳ ҳудудида баланд овоз билан гаплашиш, шовқин солиш ва номақбул ҳаракатлар қилиш мумкин эмас.

Ўтганларни эшлаш ва уларга истиффор айтиш, қабрларини зиёрат қилиш ва уларнинг ҳақларига дуолар қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Уларнинг ортидан қабристонда ёки бошқа жойда бўлсин нима дейиш лозимлиги ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

﴿ وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا
وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ
ءَامَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ ﴾

Яъни: «Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй, Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй, Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли зотдирсан!”» (*Ҳашр, 10*).

Демак, биз ўтганлар ҳақиқа Аллоҳдан мағфират сўрашимиз даркор. Қабрлари олдида эса бу авлодир. Баланд овоз билан бақариб қақириш эса номаъқул ишдир. Қуръони каримда Луқмони ҳақимнинг ўғлига қилган насиҳати қуйидагича келтирилган:

“**(Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир**” (*Луқмон, 19*). Яъни, юришинг ўртача ва мақсадли бўлсин. Бекорчи сохта ҳаракатлар билан куч-қувватни исроф қилиб, кибру ҳаво билан юрма, жуда лапашанг бўлиб, судралма ҳам. Ҳеч бир сабабсиз баланд кўтарилган овознинг эшакниқига ўхшатилишининг ўзи етарли. Оятда бу овоз энг ёмон экани ҳам таъкидланмоқда.

Хунук овозлар чиқариш Қуръони карим ояти билан қайтарилган экан, энди Аллоҳнинг суюкли бандалари қўним топган жойда бундай ишлар қилишдан сақланиш керак бўлади.

5. Зиёрат жараёнида азизлардан мадад сўраш, уларга атаб жонлиқ сўйиш мумкин эмас.

Шуни унутмаслигимиз керак, ҳеч бир зиёратчи қабрда ётган авлиё ёки бошқа зотлардан мадад сўраб ундан ҳожатини раво қилишини талаб қилмасин. Ҳар қандай ҳожатларни раво этиш бевосита фақат Парвардигорнинг ўзидан сўралади.

Қабристонга борганда у ердагилардан ёрдам сўраш, уларга атаб қурбонлик сўйиш ширк амаллардан бўлиб, бандани имондан маҳрум қилади. Аслида авлиёми ёки бошқа зотми, тирикларга манфаат ҳам, зарар ҳам етказа олмайди. Маййитлар касалларга шифо, бепуштларга фарзанд бера олмайди. Тириклар ҳожатини раво қилувчи ҳам, дуою истиғфорлар сабаб маййитлар ҳолатини яхшиловчи ҳам Аллоҳдир.

Азизлардан мадад сўраш, уларга атаб жонлик сўйиш ислом динида қаттиқ қораланган ишлардандир. Зеро, мадад сўрашга ҳам, атаб жонлик сўйишга ҳам фақат Аллоҳ таологина ҳақлидир. Қилинган садақа ёки эҳсон қачон ва қаерда бўлмасин Ҳақ таоло розилиги учун бўлгач, унинг савобини кимга бағишлаш кишининг ихтиёридадир.

«У сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага сўйилган нарсаларни (истеъмол қилишни қатъий) ҳаром қилди» (Бақара, 173).

Ояти каримада мусулмонларга ҳаром қилинган нарсалардан тўрт хили зикр этилмоқда.

Биринчиси – ўлимтик. Яъни, Аллоҳ таоло ҳалол қилган ҳайвонлардан ўзи ўлиб қолганининг гўшти ҳаром бўлади.

Иккинчиси – қон. Яъни, ҳайвонни сўйганда оққан қонини истеъмол қилиш ҳам ҳаромдир. Сўйилган ҳайвонларнинг томирларида қолган қонлари бундан мустасно.

Учинчиси – чўчқанинг гўшти. “Гўшти” дейилганидан ёғи ёки бошқа жойи ҳалол экан-да, деган фикр келмаслиги керак. Чўчқа буткул ҳаром. Ўлимтик, қон каби у ҳам нажас-ифлос бўлгани учун ҳаром.

Тўртинчиси – Аллоҳдан бошқанинг номини айтиб сўйилган ҳайвоннинг гўшти. Ҳайвонни сўяётганда эса, сўювчи шахсга, унинг ниятига ва сўйиш услубига қаралади. Сўювчи ҳайвонни Аллоҳдан бошқанинг номини айтиб сўйса, гўшт ҳаромга айланади. Бу ерда моддий эмас, балки маънавий-руҳий ҳолат эътиборга

олинган. Инсонни яратиб унга жон ато этган зот Аллоҳ таолодир. Худди шунингдек, сўйиладиган ҳайвонга ҳам жон ато қилган Аллоҳ таолонинг Ўзидир. У зот бир махлуқига (инсонга) бошқа баъзи махлуқларини (айрим ҳайвонларни) сўйишга ва гўштга айлантириб фойдаланишга рухсат берди. Бу ишни амалга ошириш пайтида бир неча шартга риоя этишга буюрди.

Аввало, ҳайвонни сўйиб жонини чиқариш пайтида шу жонни берган Зотни эслаш даркор. Агар у ҳайвонга жон ато қилган Аллоҳни қўйиб, бошқанинг номи зикр этилса, маънавий жиноят содир бўлади, бундай гўшт ҳаром ҳисобланади. Аллоҳ таоло жон берган ва мўминларга ҳалол этилган ҳайвонларни сўйганда гўшти ҳам ҳалол бўлиши учун, ҳайвонни Аллоҳнинг исмини айтиб, “Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар”, деб сўймоқ лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, зиёратгоҳларга бориб қурбонлик қилиш халқимизнинг урфига айланиб қолган. Қайси зиёратгоҳда қурбонлик қилинишидан қатъи назар, қурбонликдан кўзланган мақсад Аллоҳнинг розилиги бўлиб, Аллоҳнинг номи ила сўйилади. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга атаб қурбонлик қилинмайди.

Мадад сўраш борасида сўз юритадиган бўлсак, бандага Аллоҳдан ўзга ҳеч ким фойда ҳам зарар ҳам етказмайдиган. Қабрда ётган киши эса кўпроқ тириклар дуосига муҳтож. Ўзимиз учун ҳам, марҳумлар учун ҳам фақат ва фақат оламлар Раббиси Аллоҳ таолодан яхшилик сўрашимиз лозим.

«Агар Аллоҳ сизга бирор зарар етказса, бас, Унинг Ўзидан бошқа уни кетказадиган (куч) йўқдир. Агар сизга бирор яхшилик (етказиш)ни истаса, Унинг фазлини қайтарувчи (куч) ҳам йўқдир. Уни (фазлини) бандаларидан хоҳлаганига етказур. У кечиримли ва Раҳмлидир» (Юнус, 107).

Борлиқнинг ягона Холиқи, Қодиру Молик зот бир бандани зарар ила тутганидан кейин, у ожиз банданинг мушкулини ҳеч ким еча олмайди. Шунингдек, Аллоҳ

кимга яхшиликни ирода қилса, уни қайтара оладиган кимса йўқ. У яхшилик келтирадиган ишларни қилганларга яхшилик, ёмонлик келтирадиган ишларни қилганларга ёмонлик етказишни ирода этгандир. Аллоҳ бандалари ичидан ўзи хоҳлаганларини фазлига эриштиради. Шундай экан, Ундангина мадад сўраш лозим.

6. Мақбаралар ва меъморий иншоотларнинг гишт ва безакларига турли сўзлар ва ниятларни ёзиш мумкин эмас.

Расмнинг инсон ҳаёти учун алоҳида ўрни бор. Ҳужжатлар, муҳим воқеалар учун эсдалик бўлсин деган мақсадда расмга тушишнинг ёмон томони йўқ. Лекин унинг кўпи исроф бўлади. Хусусан, қабрлар, мақбараларни расм тушиш учун жой қилиб олиш марҳумларга ҳурматсизликдир. Кўплаб китобларда, хусусан «Манор» китобида «Марҳумнинг ҳурмати тирикнинг ҳурмати кабидир» дейилган. Ҳатто баъзи ўринларда марҳумлар ҳурмати тирикларникидан устун қўйилган.

Қабрнинг устига ёзиш борасида жумхур уламолар: “Қабр устига марҳумнинг исмини ҳам, бошқа бирор-бир нарсани ҳам ёзиш мумкин эмас”, деганлар. Бизнинг ҳанафий мазҳабимиз уламолари эса:

“Қабрнинг йўқолиб кетиши ёки хорланишининг олдини олиш учун белгига ҳожат тушса, белги бўладиган нарсага ёзса бўлади”, деганлар. Эътиборлиси, бизнинг мазҳабимизда, фақатгина белги бўлиши учун ёзишга рухсат этилмоқда. Энди қабрларга турли сўзлар, ниятларни ёзиш умуман мумкин бўлмаган ишлардир.

7. Қабрлар устига пул сочиш, шам ёқиш, уларни тавоф қилиш, боланинг кокилини аташ, атрофларини айланиш ҳамда дарахтларига турли хил латта парчаларини боғлаш ҳам динимизда қаттиқ қораланган ишлардандир.

Қабр тепасида шам ёқиш бидъатдир. Бу ишнинг нафи йўқ. Сабаби у ёққан шам катта аланга бўлса ҳам, маййитнинг қабрини ёрита олмайди. Унинг қабрига солих амаллар, Куръон тиловати, қилинган садақа каби ишлар савоби нур бўлади. Шуни унутмаслик лозим, инсон вафот этгач, унга моддий нарсалардан бирон наф бўлмайди. Шу сабаб ҳар банда ўз амалини ислоҳ қилиб, қабрдаги ҳолати яхши бўлиши йўлида ҳаракат қилиши керак.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабрларга чироқ ёқишдан қайтарибгина қолмасдан, бундай ишни қилувчиларни лаънатлаганлар.

Билимсиз кишилар қабрларга сажда қиладилар, тавоф этадилар, остонасини ўпадилар, бу ишларнинг барчаси шаръан ножоиз, Аҳли сунна ва жамоа имомлари наздида ҳаром ҳисобланади. Шариатимиз қабрларни эҳтиром қилишда бу каби йўл тутишдан ман қилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кейинчалик умматлари шу ишларга қўл уриши мумкинлигини билиб, бундан қайтарганлар.

Ойша (розияллоҳу анҳо)дан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этишдан олдинги бетобликларида: “Аллоҳ таоло пайғамбарларининг қабрларини саждагоҳ қилиб олган яҳудий ва насороларни лаънатлади”, дедилар...” (*Бухорий ривояти*).

“Билингки, авом халқ тарафидан ўликларга атаб назрлар қилиш, Аллоҳ дўстларининг қабрларига уларга яқин бўлиш мақсадида тангалар ташлаш, шам, чироқлар ёқиш ботил ва ҳаром ишлардир. Бу нарсаларга хусусан, асримиз одамлари кўпроқ мубтало бўлганлар” (*“Раддул Муҳтор”*).

8. Мақбара олдида жонлиқ сўйиш, таом пишириш ва тановул қилиш, мусиқа эшитиш, ухлаб дам олиш мумкин эмас.

“Ал-фикҳ ғала ал-мазоҳиб ил-арбаъа” номли фикҳий асарда бундай дейилади:

“Ва яна, ҳозирда қилиниб келаётган макруҳ бидъатлардан бири: худди шодлик вақти, хурсандчилик йиғинларида қилинадиган суратда, маййит чиққанда ёки (дафндан кейин) қабристонда жонлиқ сўйиш ва таъзияга келганларга ундан таом пишириб едириш”. Агар ворислар ичида балоғат ёшига етмаганлар бўлса, таом пишириб едириш ҳаром бўлади.

Юқорида номи зикр этилган китоб ислом оламидаги мўътабар рисоалардан бири бўлиб, унга асосан қабристонда жонлиқ сўйиб овқат пишириб ейиш тақиқланган ишлардан эканини билдириляпти. Шунингдек, қабр устида ўтириш, юриш, ухлаш, “ҳожатни чиқариш” макруҳ ишлар жумласидан, уларни қилиш мутлақо мумкин эмас.

Мусиқа хурсандчилик кунлари учун мос бўлиб, кўпчилик уламолар одоб, ахлоқ, мардлик ва яхши сифатларга чорловчи маънодаги куйга солиб айтилган нарсаларни жоиз деганлар. Қабристон ибрат олинадиган, охират эсланадиган жой бўлиб, у ерда куй, мусиқа бўлиши ножоиз ишлардан саналади.

9. Зиёрат ниҳояси.

Зиёрат сўнггида қабристон ёки зиёратгоҳдан оҳишта чиқилади. Қабрларга таъзим қилиш, у ерга турли чиқиндиларни қолдириб кетиш мумкин эмас. Тоза ва озода ҳолда тарк этиш зарур. Қабр ичида ётганлар, уларнинг ҳолатлари, вақти келиб ўзининг ҳам олдида турган охират сафари борасида тафаккур қилмоқ даркор.

Уйига келганда, бошқа жойларда ҳам ўтганларни, хусусан, ота-оналарини йўқлаб, уларнинг ҳақиқа дуойи хайрларни қилиб, руҳларини шод этадиган ишларни амалга ошириш лозим. Зеро, марҳумлар учун дуо қилиш Қуръони карим таълимларидандир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Улардан кейин (дунёга) келган зотлар айтурлар: “Эй, Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан

илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй, Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли зотдирсан!» (Ҳашр, 10).

ОТА-ОНАНИНГ ВАФОТИДАН КЕЙИН УЛАРГА ҚИЛИНАДИГАН ЯХШИЛИКЛАР

Ислом таълимотларида ота-онага яхшилик қилиш фақат уларнинг ҳаётлик чоғлари ила чегараланиб қолган эмас. Балки фарзанд ота-онасига уларнинг вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилиши мумкин.

Абу Усайддан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига Бани Салама қабиласидан бир киши келиб, гаплашди. Мен у зотнинг олдиларида эдим. Бас, у:

«Ё Расулуллоҳ! Ота-онам ўтиб кетдилар. Зиммамда уларга яхшилик қилишимдан бирор нарса қолдими?» деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:

«Ҳа! Тўрт нарса қолди: уларнинг ҳақиға дуо қилмоғинг, истиғфор айтмоғинг, икковларидан кейин уларнинг ваъдаларини бажармоғинг ва икковлари томонидан сенга қариндош бўлганларга силаи раҳм қилмоғинг», дедилар.

Шунда ҳалиги одам:

«Бу қандай ҳам улуг!» ёки «Бу қандай ҳам яхши! Ё Расулуллоҳ!» деди.

«Бас, унга амал қил!» деб марҳамат қилдилар.

Шарҳ: Аслида, вафот этган одамнинг бу дунёда қилган амаллари асосида охиратдаги мақоми белгиланади. Унинг заррача яхшилиги ёки ёмонлиги бўлса ҳам ҳисобга олинади. Аммо, Аллоҳ таоло уммати Муҳаммад (алайҳиссалом)га раҳм кўрсатиб, уларнинг ўлимларидан кейин ҳам ортларидан савоб етиб боришига ва уларнинг охиратдаги мақом ҳамда даражаларининг ортиб боришига йўл очиб қўйган.

Ана ўша йўллардан тўрттаси ушбу ҳадиси шарифда кўрсатилмоқда.

Фарзанд ота-онаси тириклигида уларнинг хизматини адо этиб, розилигини олиб, яхшиликлар қилиб ўтишга тарғиб қилинади. Лекин ота-она вафот этгандан кейин ҳам, ушбу ҳадисда келган таълимотга биноан, уларга тўрт хил яхшилик қилса бўлар экан.

1. Дуо қилиш

Ота-оналарининг ҳақиқа Аллоҳ таолодан яхшиликлар — жаннат, хайр-баракалар сўраб дуо қилиш фарзанднинг ўз ота-онасига уларнинг вафотларидан кейин ҳам бажарадиган яхшиликларидандир. Бу дуолар ота-онага бориб туради, уларнинг аъмоли хайрларига қўшилади. Бу билан фарзанд уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

2. Истиғфор айтиш

Ота-онасининг гуноҳини кечишни Аллоҳ таолодан сўраб, истиғфор айтиш. Фарзанд ота-онасига Аллоҳ таолодан мағфират сўраб дуо қилса, уларга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилган бўлади.

Ота-онасига мағфират сўрайдиганларнинг энг яхшиси намозхонлардир. Намозхон ҳар намозининг охирида, дуо қабул бўладиган бир мақомда, салом беришдан олдин ота-онасига мағфират сўрайди.

3. Ота-онанинг аҳдига вафо қилиш

Ота-она ким биландир аҳд тузган ёки берган ваъдаси бўлса, мажбуриятларининг ҳаммасини ўрнига қўйиб, васиятларини бажариш ҳам ота-онанинг орқасидан қилинадиган яхшиликлар қаторига кирар экан. Бу ишлар билан ҳам фарзанд уларга худди тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

4. Ота-онанинг дўстлари, яқин кишилари, қариндошларини икром қилиш

Ушбу йўл билан ҳам фарзанд ота-онасига улар ўтиб кетгандан кейин ҳам яхшилик қилиши, орқаларидан савобларни етказиб туриши мумкин экан. Ким бу ишни

мунтазам бажарса, уларга тириклик чоғларида яхшилик қилгандек бўлади.

Аллоҳ таоло бандаларга меҳрибон Зот. У бизга ота-оналаримизга улар ўтганидан кейин ҳам яхшиликларимиз етиб борадиган эшикларни очиб қўйган.

Демак, инсон ота-онаси дуо қилиши, уларга истиғфор айтиши, намози, рўзаси, садақасидан ҳосил бўлган савобларни бағишлаб туриш билан ҳам уларга қиладиган яхшилигини давом эттириши мумкин экан.

ҚАБРИСТОНЛАРНИ ОБОД ЭТИШ – ЎТГАНЛАРНИНГ РУҲИ ПОКЛАРИНИ ШОД ЭТИШДИР

Инсон бу дунёда яшаркан, ўзидан яхши ном қолдиришга интилади. Яхши номга эса, албатта, савобли ишларга қўл урмоқлик билан эришилади. Ана шундай эзгу ишларнинг ажралмас қисми эса қабристонларни обод қилиш. Бу халқимизнинг азалий одатидир. Қабристонлар гул-майсаларга, яшилликка бурканса, ҳар бир қабр усти тозаланиб, саришта этиб қўйилса, марҳумлар руҳи шод бўлади. Шу боис марҳумларнинг руҳи-поки қўним топган масканлар — қабристонларни обод қилиш, қабрларни зиёрат этиш одобига тўла амал қилишимиз лозим. Аллоҳ таоло инсонни бу дунёнинг азизу мукаррам хилқати, ҳаёт гултожи, жонзотлар ичида сарвари этиб яратган. Одамзод шундай мўътабар шарафга муяссарлиги учун ҳам ҳамиша эъзозу эҳтиром этиб келинган. Бу эъзоз ва ҳурмат у вафотидан кейин ҳам давом этади. Марҳумларнинг руҳи покини азиз тутиш, қабрларни зиёрат этиб, уларни ободонлаштириш, руҳи покига Қуръон тиловат қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Бу инсоний бурчни эса барчамиз доимо ҳис қилиб яшамоғимиз керак. Шу ўринда бир савол туғилади: барчанинг сўнгги борар макони мусулмончиликнинг удумига кўра қандай бўлиши керак?

Азалдан юртимизда қабристонни қуриб қолган гиёҳлардан тозалаб, ўрнига гул экиш расм бўлган. Бу ҳам марҳумларга бўлган ҳурмат белгисидир. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қабр устидаги гиёҳ қуригунга қадар қабр эгаси ҳақиқа салавот айтиб туришини баён қилганлар. Яъни: “Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)нинг ривоят қилишларича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадина ёки Макка қабристонларининг бири ёнидан ўтиб кетаётган эдилар. Тўсатдан иккита қабрдан азобланаётган кишиларнинг овозини эшитиб қолдилар. “Азобланаяптилар, аммо, кабира гуноҳ учун азобланмаяптилар”, дедилар. Бироздан сўнг: “Йўғ-э, (кабира гуноҳ сабабли азобланаяптилар). Бири бавлидан сақланмас, иккинчиси эса чақимчилик қилиб юрар эди”, дедилар. Сўнгра, хурмонинг кўкариб турган шохидан олиб келишни буюрдилар. Шох олиб келинган, уни иккига бўлиб, ҳар бир қабрга биттадан бўлакни санчиб қўйдилар. Саҳобалар: Ё Расулаллоҳ, нега бундай қилдингиз? деб сўрашди. Шунда У зот: “Шояд, бу шохлар қуригунча азоблари енгиллашиб турса”, деб жавоб бердилар (*Муттафақун алайҳ*).

Яна бир эътибор берилиши керак бўлган жиҳат, қабристонга фақат манзарали дарахтларнинг экилганидир. Табиатнинг ўзига хос қонун-қоидаларини назарда тутадиган бўлсак, мазорларга мевали дарахтлар ўтказилмаслиги керак. Яна бир диққатга сазовор томони қабрлар орасида йўлакчалар қолдиришдир. Бундай йўллар қабрларнинг оёқости бўлишининг олдини олади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қабрларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтириб бундай деганлар: “Қабр устига ўтиргандан кўра, чўғ устига ўтириб, кийимлари то этигача куйиб кетгани яхшидир”.

Солиҳ кишилар қўли билан обод этилган қабристонларни ибрат кўзи билан зиёрат қилиш ҳам аслида динимиз кўрсатмасидир. Зеро, Расули ақрам (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Лаззатларни парча-парча қилувчи ўлимни кўп эсланглар” деганлар.

Ўтган ота-боболаримиз, ёр-биродарларимиз, хешу ақраболаримиз мангу қўним топган манзиллардан хабар олиб, уларни обод қилайлик. Зеро, бу шариатимиз нуқтаи назарида савобли ишлардандир. Ахир инсоннинг дунёда яшашдан асосий мақсади савоб қозониб, Яратганнинг розилигига эришмоқ эмасми?! Ахир қабристонларимиздан қўним топганларнинг ортларида қолган фарзандлари, оила аъзолари бор-ку. Чин дунёга кетган ота-она тириклик вақтида фарзандлари учун нималар қилмаган. Онаси қийналиб вужудида кўтариб юрган, ўлим билан юзлашиб фарзандини дунёга келтирган, кечалари бедор бўлиб кўкрак сути билан боққан. Отаси фарзанд туғилганида хурсанд бўлиб, суюнчилар улашиб, тўйлар қилиб берган, меҳнат қилиб болаларни вояга етказган, таълим-тарбия олишлари учун олам-олам машаққатлар чеккан. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ота-онанинг фарзанд учун қилган яхшиликларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Наҳотки, энди фарзанд мархумларининг руҳи покларини хушнуд этишни хоҳламаса, наҳотки, уларнинг қабрларини обод этмаса.

Албатта, обод этишни хоҳлайди. Сиз билан биз, уларга қабристонларни обод этиш тирикларнинг ўтганлар олдидаги бурчи эканини эслатиб туришимиз лозим. Зеро, “ким нима экса, шуни ўради” дейди халқимиз. Биз бугун биргалашиб қабристонларимизни тоза тутиб ўрнак бўлсак, келажак авлод ҳам бизга нисбатан шундай муносабатда бўлади.

МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАР ВА ҚАДАМЖОЛАР

Ислом шариатида муқаддас жойларнинг айнан ўзини зиёрат қилишга чорлайдиган кўплаб оят ва ҳадислар мавжуд: Жумладан, Тавба сурасининг 108-оятида Қубо масжиди ҳақида: **“Биринчи кундан тақвога асосланган масжид эса, унда туришингизга лойиқроқдир”**, дейилган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар шанба куни у ерни зиёрат қилганлари ривоят қилинган.

Масжидул Ҳаром, Масжидун Набавий ва Масжидул Ақсо масжидлари борасида ҳам Набий (алайҳиссалом):

«Фақат учта масжид томонга сафар қилинади: менинг бу масжидим, Масжидул Ҳаром ва Масжидул Ақсо», деганлар. Яна бир зиёрат қилишга чорланган маконлардан бири Уҳуд тоғи бўлиб, бу борада:

«Уҳуд (тоғи) бизни яхши кўради ва биз ҳам уни яхши кўрамиз», ҳадиси келтирилган. Шу ва шу маънодаги бошқа ҳадиси шарифлар асосида муқаддас жойларни зиёрат қилиш мумкинлиги, балки бундай ишлар мустаҳаб амаллардан экани келиб чиқади.

Шулар қаторида камина “Имом Бухорий” жоме масжидида буюк бобокалонимиз, ҳадис илмининг султони Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг хоки пойларида хизмат қилаётганим боис, ушбу рисолага Имом Бухорий ҳазратлари ва у зотнинг шарафларига бунёд этилган мажмуа ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдим.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Бундай таъриф тавсифга мушарраф бўлган аллома, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида билмайдиган киши топилмаса керак. Ўз навбатида ҳар бир юртдошимиз шундай улуғ аждодимиз билан фахрланиши, унинг йўлини тутишга интилиши шубҳасиз.

Зеро, унинг ислом дини учун ва илм учун қилган хизматларини эътироф этган қатарлик олим Доктор Муҳаммад Али Донавий “Ал-Умма” журналида (1982 йил, август) “... Дарҳақиқат, Ислом уммати кўпгина фазилатлар, илм ва ҳидоят эвазига Бухорийдан қарздордир. Бу уммат зиммасига юклатилган вазифа шуки, улар ўз фарзандларига мактабларда, олийгоҳларда ва мажлисларда Бухорий ҳазратлари ўзи ким эканликларини ўргатмоқлари лозим...”

Аслида ҳадиси шарифларда Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг сўзлари, ҳаётий фаолиятлари ва саҳобалар амалга оширган ишларга муносабатлари баён этилган. Шу боис ҳадислар тўплами “суннат” деб аталади.

Уларни йиғиб китоб ҳолига келтириш пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин амалга оширилган. Ўша даврлардаги ислом оламининг марказлари – Самарқанд, Бағдод, Куфа, Басра, Дамашқ, Бухоро, Урганч ва Термиз шаҳарларида мазкур фаолият билан шуғулланувчилар, яъни муҳаддислар кўп бўлган.

Бироқ Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») номли 4 жилд (жуз)дан иборат ҳадислар тўплами бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир.

Валиюллоҳ Деҳлавий айтганидек, «Аҳли ҳадислар ҳадис илмини девонга киритиб, уни тўрт фандан иборат тасниф қилишган. Имом Бухорий суннат, яъни фикҳга оид нарсалар (Моликнинг “Муватто”си ва Суфённинг “Жомеъ”и), тафсир (Ибн Журайжнинг китоби), сийрат

(Муҳаммад ибн Исҳоқнинг китоби) ҳамда зуҳд ва рақоик (Ибн Муборакнинг китоби) фанларини бир китобда жамлашни ирода қилди».

Шу сабабли ўтган давр мобайнида асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган.

Турли номлар билан аталувчи китобнинг асл номи «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ ал-Муснад ал-Мухтасар мин умури Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва сунаниҳи ва айямиҳи», яъни сўзма-сўз таржима қилинганда «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадислари, суннатлари ва айёмлари ҳақида жамловчи, саҳиҳ ва муснад» маъносини билдиради.

Имом Бухорий ровийлар – ҳадисни нақл қилувчи шахсларнинг, шахсиятини чуқур ўрганиб, умрида ёлғон гапирмаганлиги, эшитган нарсаларини унутиш одатлари бўлмаганлиги, хиёнат ва бошқа бир салбий сифатлар бўлмаганига ишончи комил бўлгандан сўнг ва ўша шахс кимдан ривоят қилган бўлса, уларнинг учрашгани тўғрисида гувоҳ ҳам бўлганидан сўнг бу ҳадисни қабул қилган ва ўзларининг китобларига ёзган.

Имом Бухорий ўзидан олдин ўтган муҳаддислардан фарқли равишда турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақаларга ажратиб, уларнинг ишончилиларини алоҳида китоб ҳолига келтиргани туфайли ҳам асари ўша даврдан бугунги кунгача ислом таълимотида Қуръондан кейинги муҳим манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда.

Ҳатто айрим манбаларда ўрта асрларда яшаган баъзи хаттотлар ушбу асар нусхаларини кўпайтириб тирикчилик қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Шу ўринда Имом Бухорийнинг отаси Исмоил ҳам ўз даврининг етук муҳаддисларидан бири бўлганлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Икки ёшга етганида падари бузруквори вафот этгач, диёнатли ва оқила аёл бўлган волидаси Бухорийга 5–6 ёшидан исломий илмларни, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадисларини ўрганиш ва ёдлаши учун

шароит яратади. Натижада ўн олти ёшга етгунча Бухородаги таниқли муҳаддислардан етмиш минг ҳадисни ёд олган.

Манбаларга кўра, ҳам жисман, ҳам фикран илм олиш, жумладан, ҳадис илмини мукамал эгаллаш билан банд бўлган Имом Бухорий ҳаётининг катта қисми асосан хорижда, мусофирчиликда ўтган. У 40 йилга яқин вақт давомида 20 дан зиёд юртларда бўлиб, ҳадислар тўплаган.

Хусусан, 825 йили онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага бориб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акаси Бухорога қайтгач, ўзи Маккада қолган. У ерда фаолият кўрсатаётган машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 йили Мадинага ўтиб, у ерда ҳам машхур уламолар билан мулоқотда бўлган.

Бундан ташқари, Бухорий Ҳижоз, Тоиф, Жидда, Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай каби шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олиб, ҳадислар тўплаган.

Маълумотларга қараганда, Бухорий «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ёзишни 23 ёшида бошлаб, ўн олти йилда тугатган.

Эътиборлиси, Имом Бухорий фақат муҳаддис олим бўлибгина қолмай, кенг қамровли алломадир. Унинг катта тарбиявий аҳамиятга эга беназир тўплам ҳисобланган «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асари Туркия ва Мисрда бир неча марта чоп этилган. 1322 ҳадис ва хабар жамланган асарнинг ўзбекча таржимаси 1990 йили Тошкентда нашр қилинган.

Бухорийнинг «Ат-Тарих ал-кабир» («Катта тарих») китоби ҳадис ривоят қилувчи ровийларнинг тарихлари, таржимаи ҳоллари ва ривоят қилиш борасидаги сифатлари ҳақида. Туркияда 9 жилдда нашр қилинган асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Ҳадис тарихига оид қимматли

асари – «Ат-тарих ас-сағир» («Кичик тарих») ҳам Ҳиндистон ва Қоҳирада чоп этилган.

Умуман, 20 дан ортиқ китоб тасниф этган Бухорийнинг бошқа асарларидан баъзилари бизгача етиб келмаган, айримлари дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда.

Муҳими шундаки, Имом Бухорийнинг бизгача етиб келган китоблари мусулмон оламининг мадраса ва дорилфунунларида Пайғамбар (алайҳиссалом) суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Кўплаб жамоат арбоблари, олиму уламолар ва дин пешволари Бухорий асарларига таяниб иш тутадилар.

Чунки Имом Бухорий тўпламларига киритилган ҳадислар фақат ислом таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмайди. Улар меҳр-муҳаббат, сахийлик, очиққўнгилик, ота-она, аёллар ва катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалолликка даъват этиш каби чин инсоний фазилатлар ва намунали тартиботлар мажмуасидир. Унда нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш керак, нимадан ўзини тийиш лозимлиги ҳақида аҳоли, айниқса, ёш авлод учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд-насихат ва ўғитлар акс эттирилган.

Албатта, шундай буюк зотнинг шахсий сифатлари, ташқи кўриниш ва амаллари ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу жиҳатдан, Имом Бухорийнинг ўрта бўйли, озгин (қотмадан келган) киши бўлганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. У дунёдан зоҳид бўлиб ўтган, деган тахмин илгари сурилади. Сабаби ҳеч бир манбада Имом Бухорий оила, бола-чақа, уй-рўзғор қилгани ёки қилмагани тўғрисида маълумотлар учрамайди.

Болалигидан ўткир зеҳн эгаси эканлигини намойиш қилган Бухорий жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган.

Шундан 100 минг саҳиҳ ва 200 минг ғайри саҳиҳ ҳадиси ёддан билган.

«Тарихи Бағдод» китобида келтирилишича, бир киши Бухоридан:

«Ёдлаш қобилиятига дори борми?» деб сўрайди. «Билмайман, – деб, сўровчига қараб – ёдлаш учун кишининг илмга чанқоқлиги ва доимий изланишидан кўра манфаатлироқ нарсани билмайман», деган.

Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган. Ҳатто таомни ҳам жуда оз еган Имом Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, одамохунлиги, мурувватлиги ва беқиёс саховатлиги билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. Бутун фаолияти давомида илм кишиларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлиги ҳам буни яққол исботлайди. Хусусан, тижорат орқали топган даромадидан ойига беш юз дирҳамдан фақиру мискинларга, илм толибларига сарфлаган.

Буюк мутафаккир кўп йиллик сафарлардан сўнг Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этиш билан шуғуллана бошлайди. Бу ўша вақтда Бухорода ҳукмдорлик қилган Ҳолид ибн Аҳмад аз-Зухлӣга хуш келмайди. Шу сабабли Имом Бухорий Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади. Бухоронинг Пойкант қишлоғида (ҳижрий 194, милодий 810) дунёга келган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (ҳижрий 256, милодий 870 йил) рамазон ойининг охириги куни шу масканда жонларини Ҳаққа топширади.

Истиклол туфайли ислом оламида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Бухорийнинг бой маънавий-илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги

қарори (1997 йил 29 апрел) асосида Имом Бухорийнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 йил 23 октябрда Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Пайариқ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан масжид-мажмуа очилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон ва Шаҳрисабз халқ усталари томонидан қисқа муддат, яъни 8 ой мобайнида барпо этилган мажмуада ташриф буюрувчилар зиёрату ибодатларни адо этишлари учун барча шароитлар яратилган.

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг умумий ер майдони 5,7 гектарни ташкил қилиб, шундан қурилиш майдони 2 гектар, майсазорлар 3,7 гектар, мажмуа мақбара, масжид, анжуманлар зали, маъмурият ва 5 та айвондан иборат. Бундан ташқари, тоза ичимлик суви таъминоти иншооти ва оқава сувлар ҳамда тозалаш иншооти мавжуд.

Мажмуа ички ҳовлисидаги айвонлари ёғоч ўймакорлик устунлари Самарқанд, Андижон, Қўқон ва Наманган усталари томонидан чинор дарахтидан ясалган бўлиб, умумий сони 74 донани ташкил этади. Ушбу устунлар остига Тошкент авиация заводи томонидан 74 дона архитектура элементи мрамардан ясаб ўрнатилган.

Мақбара қурилиши ва бадий безаш ишларини асосан самарқандлик усталар бажаришган. Имом Бухорий ҳазратларининг мақбаралари мараббаъ шаклида қурилган, ўлчами – эни 9 метр, бўйи 9 метр, баландлиги эса қубба устигача 17,6 метрни ташкил қилади.

Ташқи қисми Эрондан олиб келинган оникс тоши билан безатилган, Самарқандда пишитилган безак кошинлари ва ояту ҳадислар ёзилган кошинлар бири бири билан уйғунлашиб кетган.

Ички қисми нақш услубида турли миллий безаклар билан безатилган, оят-ҳадислардан бу ерда кенг фойдаланилган.

Мақбара ташқи томонининг энг юқори қисмига Мулк сураси ёзиб қўйилган.

Мақбаранинг жануб томонида Юсуф ва Ғофир сураларидан оятлар ёзилган (*Юсуф сураси 101-оят, Ғофир сураси 57–60-оятлар*).

Мақбаранинг Ғарб томонига Бақара сурасининг охирги 285–286 оятлари ёзилган. Равоқларга эса ҳадислар ёзилган.

Мақбаранинг шимол томонига Оли Имрон сурасининг 1–7-оятлари ёзилган.

Мақбаранинг шарқ томонига Оли Имрон сурасининг 189–194-оятлари ёзилган.

Мақбаранинг ички қисмидаги гумбаз атрофига Оятул курсий, яъни Бақара сурасининг 255-ояти ёзилган.

Мажмуанинг ғарбий қисмида жоме масжид жойлашган бўлиб, эни 19,2 метр, бўйи 32,2 метр, масжид ички баландлиги 6,6 метр, гумбаз билан баландлиги 15,9 метрни ташкил этади. Масжидда 1500 киши бир вақтда намоз ўқиши мумкин.

Шунингдек, мажмуанинг чап томонида мўъжазгина музей ҳам мавжуд. У ерда асосан хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонларнинг совғалари сақланади. Музейга киришингиз билан ўнг томондаги Каъбапўш эътиборингизни ўзига тортади. Президентимиз Ислом Каримов 1992 йил Саудия Арабистонига расмий ташриф билан борганларида Каъбанинг ичига киришга мушарраф бўладилар. Шундан сўнг Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз жаноблари Каъбапўшни Президентимизга совға қилганлар. Каъбапўшга Оли Имрон сурасининг 97-ояти ёзилган.

Энди Самарқанд вилоятида жойлашган зиёратгоҳлар, қадамжолар ва тарихий обидалар борасида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

РЕГИСТОН МАЖМУАСИ

Регистон майдони Самарқанд шахрининг бош майдонидир. Унда XV–XVII асрларнинг архитектура ансамбли жойлашган бўлиб, унинг маркази Мирзо Улуғбек мадрасаси (1417–1420), Шердор мадрасаси (1619–1936) ва Тиллакори мадрасаси (1646–1660) ҳисобланади. Бош майдонда жойлашган ушбу уч мадраса ансамбли шаҳар архитектураси ва меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан намунадир.

ШЕРДОР МАДРАСАСИ

XVI аср. Шердор мадрасасини Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир 1619–1636 йиллари Мирзо Улуғбек хонақоҳи ўрнига қурдирган. Шердор мадрасаси Улуғбек мадрасасининг рўпарасида бир ўқ чизиғи бўйлаб жойлашган. Ўрта Осиё меъморчилигида кўп учрайдиган кўш услубдан фойдаланилган. Пештоқ равоғи тепаси диққатга сазовор: шер оқ охуни қувмоқда. Куёш бодомқовоқ, қийиқ кўзли юз шаклида тасвирланиб, зарҳал тусли ёғду билан хошияланган. Мадраса пештоқига Ялангтўш Баҳодирни улуғловчи шеър битилган. Шердор сўзи “Шер акси бор” деган маънони англатади.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

XV аср. Улуғбек мадрасаси – Регистон майдонидаги энг қадимий мадраса бўлиб, 1417–1420 йилларда теурий ҳукмдор, буюк аллома Мирзо Улуғбек қурдирган. Мадраса икки қават, тўртта айвондан иборат, унда кўплаб хоналар мавжуд. Бу ерда талабалар таълим олишган. Улуғбек мадрасаси XV асрда Шарқнинг энг машхур диний таълим даргоҳларидан бири бўлган. Ушбу даргоҳда турли илмлардан сабоқ берилган. Бу

ерда машҳур файласуф, олим ва шоир Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ҳам таълим олган.

ШОҲИ ЗИНДА МАЖМУАСИ

Шоҳи Зинда — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (XI–XX асрлар); Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат ансамбл. Уларнинг энг қадимийси Қусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, халқ орасида Шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) номи билан машҳур. Ансамбл бир-бири билан йўлак орқали боғланган 3 гуруҳ бинолардан иборат. Қуйи гуруҳдаги иншоотлар Мирзо Улуғбек ўғли номидан қурдирилган Абдулазиз чортоғи (1434–1435), унга шимолдан Давлат қушбеги мадрасаси (1812–1813) туташ, унинг қаршисидаги айвонли масжид нақшлар билан безатилган. 40 босқичли тик зинапоя ўрталиғининг чап томонида зиёратхона ва гўрхонадан иборат қўшгумбазли мақбара (XV аср) жойлашган. Ўрта гуруҳдаги бинолар: Амирзода, Туғлу Текин, Ширинбека оғо мақбаралари, унинг қаршисида Темурнинг синглиси Туркан оғо, яна 8 қиррали мақбара, Али Насафий мақбараларидан иборат. Юқори гуруҳдаги бинолар: Зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид, Хожа Аҳмад мақбараси, 1360–1361 йилларда қурилган мақбара, Туман оғо мажмуаси (1405–1406), 2 та номсиз мақбара (XIV асрнинг охири)нинг киравериш деворигина сақланган. Шунингдек, Тамғоч Буғрохон мадрасаси (XI аср), Амир Бурундук мақбараси (XIV аср охири) кабилардир. Ансамбл таркибидаги 20 дан ортиқ иншоотлар давлат муҳофазасига олинган. XIX асрларда ансамблнинг яна бир неча бинолари барпо этилган. XVIII асрда вайрон бўлган зина ўрнига 40 поғонали ғиштин янги зина қурилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги қарорига асосан Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида катта

кўламдаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

ИМОМ МОТУРИДИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси – Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Имом Мотуридий (870–944) таваллудининг 1130 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Самарқанд шаҳри марказидаги олдинлари “Чокардиза” қабристонни бўлган жойда бунёд этилиб, рамзий мақбараси ўрнатилган (4 гектар). Ёдгорлик Регистон ансамбли яқинида, Вобкент, Ғиждувон ва Бухоро кўчалари оралиғида жойлашган. Бош кириш қисми Вобкент кўчасидаги хиёбон орқали. Лойихага кўра 3 қисм (марказий, боғ ва хўжалик иншоотлари)га бўлинган, улар ўзаро бир-бири билан хиёбонли йўлак орқали боғланган. Лойиха ўқи манзарали мужассамликда яратилиб, рамзий мақбара биносига туташган. Шаршарали фавворалар хиёбонли йўлак марказида қурилиб, атрофи ободонлаштирилган. Ёдгорлик меъморий лойихаси ва бадий ечимида ўзбек миллий маҳобатли санъатининг энг яхши анъаналари қўлланилган. Мақбара пишиқ ғиштдан, мураббаъ тархли (12х12 м), шифти гумбазли (баландлиги 17,5 м), пойгумбази 24 кичик равоқчаларга бўлиниб, ганчқори панжаралар билан безатилган. Панжаралар юқориси мураккаб тузилишдаги муқарнаслар билан тўлдирилган. Хона марказига қўйилган сағанага араб ёзувида буюк олимнинг сўзлари битилган.

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ МАЖМУАСИ

Хожа Аҳрор Валий (1404–1490) мажмуаси – Самарқанд туманидаги Улуғбек қишлоғи ҳудудида жойлашган, XV асрга мансуб меъморий ёдгорлик. У мадраса, масжид ва минора ҳамда ҳовузли ҳовлидан иборат. Мадраса

1630–1631 йилларда Нодир Девонбеги маблағи ҳисобига қурилган. Хожа Аҳрор Валий ўз замонларида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда машҳур шахс эди. Жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, бутун умри, куч-ғайрати ва бор мол-мулкни юрт тинчлиги, ободлиги йўлида сарфлаган. Натижада мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутган. Хожа Аҳрор Валийни оддий фуқаро ҳам, ақобир ҳам ўзларига бирдай пуштипаноҳ деб билган. Халқпарвар, дин ва сиёсат арбоби Хожа Аҳрор Валий 1404 йил қадим Шошнинг (Тошкент) Боғистон қишлоғида туғилиб, 1490 йилда Самарқандда вафот этган. Тасаввуфга оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг “Рисолаи Волидия” асари халқ ичида машҳур бўлган.

МАХДУМИ АЪЗАМ МАЖМУАСИ

Махдуми Аъзам мажмуаси – Самарқанд вилоятининг Даҳбед қишлоғида жойлашган меъморий ёдгорлик (XVI–XIX асрлар). Мажмуа машҳур шайх, сўфийлар намояндаси Махдуми Аъзам (1461–1542) номи билан боғлиқ. Асли наманганлик (Косонсой) бўлган ул зотни Самарқанд ҳоқими Жонибек Султон Самарқандга таклиф этган. Ўғли Искандар Султон уни ўзининг пири деб эъзозлаган. Махдуми Аъзам 78 ёшида Даҳбед қишлоғида вафот этган. 1610 йилда Ялангтўш Баҳодир бошчилигида хонақоҳ ва дахма қурилган. XVII асрда эса катта масжид қурилган. Кейинчалик Махдуми Аъзам авлодлари ҳам шу ерга дафн қилинганлар. Нодир Девонбеги томонидан атрофи девор билан ўралиб, таъмир ишлари олиб борилган. Мажмуа шимолида Ҳазира, жанубида катта масжид, ёнида кичик масжид, шарқида дарвозахона, чиллахона ва хужралардан ташкил топган. 1998 йилда мажмуа қайта тикланиб, атрофи ободонлаштирилди.

ХОЖА ДОНИЁР МАҚБАРАСИ

Хожа Дониёр мақбараси Самарқанддаги энг мўътабар ва машхур зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Дониёр, Даниил, Даниел – мусулмон, насроний ва яҳудий адабиётларидаги азиз-авлиёнинг номидир.

Дониёр Қуддусда эрамиздан аввалги 603 йилда туғилган бўлиб, шоҳ Довуд ва Сулаймон (Соломон)-ларнинг авлодига мансубдир.

Ривоятларга кўра, Амир Темур ўзининг (1397–1404 йиллар) Кичик Осиёга етти йиллик юриши вақтида Суза шаҳридаги авлиё Дониёрнинг табаррук қўнимгоҳидан бир қисм хокини ўрнатилган тартиб-қоидалар талабини амалга ошириб, Самарқандга олиб келган. Мақбарада дунёдаги энг узун – 18 метрли қабр мавжуд. Мақбара биноси XX аср бошларида қурилган. Шунга қадар бу ерда Хожа Дониёрнинг қабри ва масжид бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мустақиллик йилларида ушбу зиёратгоҳда кенг қўламда ободонлаштириш, таъмирлаш, қурилиш ва зиёратчилар учун қулайликлар яратиш ишлари олиб борилган.

ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ

Ҳазрати Хизр масжиди Самарқанд шаҳрининг муқаддас зиёратгоҳларидан биридир. У Самарқанддаги биринчи мусулмон масжиди ва меъморий обидаси сифатида эътироф этилади.

Масжидни Қутайба ибн Муслим қурдирган, ҳазрати Хизр номи билан аталган. VIII асрда араблар томонидан оташпарастларнинг ибодатхоналари бузиб ташланади. Шу тепаликдаги ибодатхона ўрнига Қутайба ибн Муслим буйруғи билан биринчи масжид биноси қурилади ва ҳазрати Хизр номи билан аталади.

Хожа Дониёр, Қусам ибн Аббос ва ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари аслида битта мажмуа бўлган. Масжидга кираверишдаги мармар тошда кўрсатилган “1854 йил” ёзуви унинг Бухоро амири Амир Музаффархон томонидан тикланганлигига ишорадир. 1899 йилда масжиднинг айвон ва дарвозахона қисми қайта қурилган. Дарвоза юзасига ёзилган ҳижрий 1336 йил (милодий 1916–1917 йиллар) ёзуви дарвозахона ва миноранинг қайта тикланган вақтини англатади. Фикримизни хонақоҳ меҳробидаги 1274 йил ҳижрий (1854 милодий йил), 1302 ҳижрий йил (1884 милодий йил) деган ёзувлар исботлайди.

Мустақиллик йилларида ҳазрати Хизр масжиди мамлакат раҳбарияти қўллаб-қувватлаши билан бир неча бор мукамал таъмирланди, масжид ёнида жойлашган Арзис қудуғи қайта тозаланиб, қадимий ҳолига қайтарилди.

АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ

Марказий Осиё меъморчилигининг ноёб асари сифатида эътироф этилган Амир Темур мақбарасининг қурилиши 1403 йилда бошланиб, 1424 йилда тугатилган. Мақбара Амир Темурнинг тахт вориси, деб эълон қилинган набираси Муҳаммад Султон учун қурдирилган. Муҳаммад Султон 1403 йилда Кичик Осиёга қилган сафари вақтида, 29 ёшида бевақт вафот этади. Шаҳзода Самарқандга келтириб дафн қилинади.

Мақбара саккиз бурчакли гумбаз асосида барпо этилган. Ҳозирги замон мутахассисларини ҳам бирмунча ўйчанлик билан фикрлашга ундайди. Бинонинг мўътадил ҳароратини сақлаш, Шарқона қурилиш услублари орқали эл ардоғида бўлган шахсларни ўзига хос ҳурмат билан улуғлаш, уларнинг буюклигини бежирим безаклар орқали ифодалаш каби хусусиятлари ҳар қандай кишини лол қолдиради. Соҳибқирон

Амир Темур ҳам ушбу мақбарадан (1405 йил) абадий қўним топган.

1409 йилда Амир Темурнинг кенжа ўғли, Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзо отасининг маънавий пири Мирсаид Бараканинг жасадини (турбати) Андходан олиб келтириб, шу мақбарага, Соҳибқироннинг бош томонига дафн эттиради. Бу билан отаси – Амир Темурнинг васиятини бажаради. 1424 йилда Мирзо Улуғбек мақбара саҳнига қабртошлар қўйдириб, атрофи нафис мармар тошдан қилинган панжара билан ўрайди ва кўк гумбазли галерея қурилиб, зиёратхонага шарқ томондан кирилиши таъминланди. Мақбаранинг ички томони тилла суви югуртирилган бўртма қоғоз нақши билан безатилган.

Безакларда ишлатилган композицияда Қуръони карим оятлари исломий, ҳандасавий нақшлар ҳамда арабий хаттотлик санъатининг каллиграфик нақшлари билан битилган. Мақбарага, шунингдек, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо ҳам дафн этилиб, темурийлар хилхонасига айланган. 1449 йилда Мирзо Улуғбек ҳам шу мақбарага, бобосининг пойига дафн этилган. Мустақиллик йилларида, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мақбарада катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. XIX асрнинг охирида қулаб тушган минора ва гумбазнинг зар қуббаси қайта тикланди.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ

Нодир Девонбеги мадрасаси нақшбандия тариқатининг йирик вакилларида бири, буюк назариётчи ва нуфузли шайх Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор зиёратгоҳига яқин жойлашган бўлиб, ҳижрий 1040 (милодий 1631) йил аштархонийлар сулоласининг намояндаси Субҳонқулихон салтанати даврида, Нодирбий Тоғай номи

билан танилган Нодир Мирзо Тоғай ибн Султон Арлот томонидан қурдирилган.

Бу мадраса Хожа Аҳрор хонақоҳи ёнида жойлашган-лиги боис, халқ орасида “Хожа Аҳрор мадрасаси” деб ҳам юритилади. Мазкур мадрасанинг Хожа Аҳрор Валий хонақоҳининг ёнида барпо қилинишини Нодир Мирзо Тоғай ибн Султоннинг Хожага бўлган чексиз ҳурмати белгиси, деб тушуниш мумкин.

Нодир девонбеги мадрасаси лойиҳасини ишлашда Регистоннинг Шердор мадрасаси биноси кўринишидан ижодий фойдаланилган. “Иккинчи Шердор” мадрасаси (халқ орасида шундай деб юритилади) 1978 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Ҳаққулов ташаббуси ҳамда раҳбарлиги остида қайта таъмирланган. Мадраса пештоқидаги шер суратининг акс эттирилиши, катта ҳовлининг четларидаги хужраларнинг жойлашиши Регистондаги Шердор мадрасасининг нусхасини такрорлайди ва ундан фарқли ўлароқ, бу ерда миноралар йўқ. Мадраса бир қаватли қурилган бўлиб, XVI–XVII асрларда кенг тарқалган ҳашаматли ва шарқона тўрт айвонлилик усулида бунёд этилган.

Мадрасанинг пештоқида қурилишнинг бошланиш вақтини кўрсатувчи ёзувлар битилган. Улар нақш безаклари билан уйғунлашиб кетган. Бу ёзувларни нақшлар билан ҳашаматлаштириш Хожа Ҳошим ва муҳандис-қурувчи Дўстмуҳаммадлар ижоди ва безак санъатининг намунаси дир.

Мадраса катта масжид, дарсхона вазифасини ўтаган залда, тўртта дарсхона ва 28 та хужрадан иборат. Катта зал устида ҳашаматли гумбаз мавжуд.

МИРЗО УЛУҒБЕК МУЗЕЙ-МАЖМУАСИ

Расадхонани Мирзо Улуғбек 1429 йилда Самарқанд яқинидаги Кўҳак тепалигига қурдирган. Айлана шаклидаги уч қаватли бино асосининг эни 60 метр бўлган. Марказидан жануб-шимол йўналишида, узунлиги 40 метрли қўшалок ёй шаклидаги квадрант барпо этилган. Квадрант айлананинг тўртдан бир қисми бўлиб, 90 даражали ёйни англатади. Расадхона квадрантининг остки қисми қояни кесиб, 11 метрли чуқурликка жойлаштирилган. Квадрантнинг тепа қисми ер сатҳидан 31 метр, ҳозирги ўлчов билан 10 қаватли бино баландлигича кўтарилган.

Расадхонага юзма-юз қилиб, ўша даврлардаёқ дунёни ўзига қаратган Регистоннинг бир бўлагини ўзида ифода этган музейнинг 2010 йилда бунёд этилган биноси виқор тўкиб турибди.

Музейнинг кириш қисми Ўзбекистон халқ рассоми А. Икромжонов мўйқаламига мансуб Мирзо Улуғбекнинг портрети ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Мирзо Улуғбек ҳақидаги сўзлари билан бошланади.

Музей экспозициясида Соҳибқирон Амир Темур давлатчилигига оид харита, Европа давлатларининг қироллари томонидан ёзилган хат нусхалари намойиш этилган. Ўз асрининг буюк астрономи Мирзо Улуғбекнинг туғилишига оид миниатюра нусхаси, Улуғбек даври фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ олимлар Жалолиддин Румий, Али Қушчи портретлари ва ўша даврда зарб қилинган тангалар экспозиция мазмунини бойитган.

Расадхона тарихи билан боғлиқ вақф ҳужжати намунаси, меъморлар Нильсен, Г. Пугаченкова, М. Булатовлар томонидан тайёрланган расадхона макетлари томошабинлар диққатини тортади.

Мирзо Улуғбекнинг XVII асрда жаҳоннинг буюк астрономлари даврасида тасвирланган линагравюра, буюк олим қаламига мансуб “Зиж” асари ҳамда кенгликлар даражаларини аниқлашда қўлланган макетлар лойиҳаси, қибланомалар экспозициядан ўрин олган.

2009 йилнинг апрель ойида Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани кенгликлари “Майданак” фазони кузатиш расадхонасида янги сайёра аниқланиб, жаҳоншумул воқеликка асос солинди. Ушбу сайёрага муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таклифи билан “Самарқанд” номи берилди. Экспозицияда ана шу кенгликда олинган “Самарқанд” номи билан аталувчи сайёра сурати ҳам ўрин олган.

БИБИХОНИМ ЖОМЕ МАСЖИДИ

Амир Темур жоме масжиди Марказий Осиёдаги энг йирик иншоотлардан бири ҳисобланади. Тарихчи Ғиёсиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида “...801 йил Рамазони шариф ойининг тўртинчи кунида (милодий 1399 йил, 10 май) Амир Темур масжид учун пойтахтнинг энг яхши жойини танлади. Машҳур усталар ва меъморлар бу улкан иморатнинг лойиҳасини туздилар ва энг саодатли кунларда унинг пойдеворини қуришга киришдилар”, деб ёзиб қолдирган.

Соҳибқирон Амир Темур масжид қурилиши вақтида ҳарбий юришларда бўлганлиги боис қурилишга Сароймулкхоним – Бибихоним раҳбарлик қилганлиги учун эл ичида Бибихоним масжиди деб юритилади.

Бибихоним жоме масжидининг умумий саҳни 167x109 метр бўлиб, бурчакларида баланд миноралар бўлган ва улар бизга номаълум сабабларга кўра бузиб юборилган. Ҳозирги вақтга келиб бу миноралар қайта тикланди.

Таъмирланишга қадар жоме масжиди бир-бири билан боғланмаган 6 та меъморий бўлақлардан иборат бўлган. Масжиднинг ҳовли саҳнига мрамартош тахталар ётқизилган.

XV аср ўрталарида Мирзо Улуғбек фармонига биноан ҳовли ўртасида мармар тошдан ясалган улкан лавҳ ўрнатилган. У Қуръон ўқиладиган махсус курси бўлиб, дастлаб асосий бино ичида турган 1875 йилда катта гумбазнинг қулашидан хавфланиб, ҳовли ўртасига чиқариб қўйилган. Лавҳнинг атрофи нафис ҳошиялар, муқарнаслар, ўсимликсимон нақшлар ва ёзувлар билан безатилган.

Жоме масжиди пештоқи маҳобатли бўлиб, ўртасида кенлиги 18,8 метрли равоқ мавжуд. Ён томонларидаги миноралар пештоқдан баланд бўлган. Пештоқнинг ички томонида кичикроқ (иккинчи) равоқ ўрнатилган. Равоқнинг ёнлари ўймакор мармар тошлар билан безатилган. Унинг устидаги лавҳасида масжиднинг қурилган йили ва Амир Темур шажараси ёзилган.

Қўш табақали дарвоза эса етти хил темир қотишмаси, “ҳафт жўш” дан ясалган. Жоме масжидининг асосий (меҳробли) биноси Амир Темур замонасининг меъморий услублари тўғрисида маълумот беради. Масжид гумбазининг доира асосли сиртига муқаддас Қуръон оятлари битилган бўлиб, гумбаз феруза кошинлар билан пардозланган.

Масжид ёнидаги икки кичик бино меҳробли хонанинг асосан кичик ҳажмдаги такрори бўлса-да, нақшларининг соддалиги ва гумбазининг кунгурали экани билан фарқ қилади.

Жоме масжидининг ички қисмини пардозлашда наққошлик безаклари қаторида зарҳал бўртма гулқоғоздан фойдаланилган.

Бибиҳоним жоме масжидида кейинги даврда таъмирлаш, тиклаш бобида туб ўзгаришлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттирилмоқда.

СОЛИҲ КИШИЛАР ВА ДЎСТЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ

Солиҳ кишилар, дўстлар, қўшнилари, қариндошларни зиёрат қилиш, уларга меҳр улашиш суннат амаллардандир. Бунинг учун уларни хурсанд қиладиган, малоллантирмайдиган вақтни танлаш лозим бўлади. Агар зиёрат қилинаётган кишига оғир ботмайдиган ҳолат бўлса, зиёратни кўпайтириш мустаҳаб бўлади. Ҳадисда келадигани, Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир одам қишлоқдаги биродарини зиёрат қилди. Аллоҳ таоло унинг кириш жойига бир фариштани юборди. Бас, у:

– Қаерга кетяпсан? – деди.

– Шу қишлоқдаги биродаримникига, – деди у одам.

– Унда сенга бир неъмат бор-у, ўшани ислоҳ қилмоқчимисан?” – деди фаришта.

– Йўқ! Мен уни Аллоҳ учун яхши кўраман”.

– Мен сенга Аллоҳ таолонинг элчисиман. Албатта, уни яхши кўрганингдек, Аллоҳ ҳам сени яхши кўради”, – деди фаришта.

Ҳадиси қудсийда:

«Менинг йўлимда дўст тутинганларга муҳаббатим тайиндир. Менинг йўлимда ўзаро насиҳатлашган кишиларга муҳаббатим ҳақдир. Менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қилувчилар учун муҳаббатим ҳақдир», дейилган.

Юқорида келтирилганлардан кишилар бир-бирларини зиёрат қилишларининг нечоғли аҳамиятли экани келиб чиқмоқда.

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар ҳузурингизга зиёратчи келса, уни ҳурмат қилинганлар”, деб айтганлар. Бу ҳадисдан эса зиёрат қилинган киши ҳам зиёрат қилувчиларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиши лозимлиги келиб чиқмоқда.

БЕМОРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛУВЧИГА ТАВСИЯЛАР

1. Зиёрат холис Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилиниши керак. Унда риё, хўжакўрсинлик, бирор-бир дунёвий манфаат кўзлаш ёки шунчаки вақт ўтказиш бўлмаслиги лозим.

2. Зиёратчи зиёратнинг умумий одобларига риоя қилиши лозим, масалан, эшикни оҳиста қоқиши, ўзини таништириши, хонага киргач, ҳаммаёққа аланг-жалаңг қилиб разм солмаслиги, балки нигоҳини қуйироқ қилиши лозим.

3. Бемор безовта бўлмаслиги ёки зарарланмаслиги учун зиёрат муносиб вақтда амалга оширилиши талаб этилади. Масалан, одатда ёзда қоқ туш пайтида, Рамазонда кундузи зиёрат қилинмайди. Бемор касалхонада бўлса, ташриф дам олиш соатида, ёхуд айни муолажалар оладиган вақтда бўлмаслиги ҳам мақсадга мувофиқдир.

4. Бемор юзига табассум билан боққан ҳолда, салом берилади, қўл бериб кўришилади. Агар у хавфли бир юқумли касаллик билан оғриган бўлса, қучоқлашилмайди. У билан ширинсуханлик ва самимият билан суҳбат қурилади. Зиёратчи бемордан ҳол сўраши, ўзининг умидбахш сўзлари билан унинг дардини енгиллатишга, дилига шодлик олиб киришга ҳаракат қилмоғи лозим.

5. Агар бемор ўрнidan туролмайдиган ёки туриш тақиқланган бўлса, зиёратчи бош томонидан унга яқин ўтириб, қўлини унинг пешонасига қўйган ҳолда ҳол-аҳвол сўрайди. Бемордан нима хоҳлаётганини, нима егиси келаётганини сўраш ва қандайдир истаги бўлса, амалга ошириш нур устига нурдир.

6. Зиёратчи касалдан: “Тузукмисиз?”, “Аҳволингиз қандай?”, “Ўзингизни қанақа ҳис қиляпсиз?”, каби саволлар билан ҳол сўраши ҳам машрудир. Набий

(алайҳиссалом)нинг мазкур маънодаги саволларни бериш орқали бемордан ҳол сўраганлари собит бўлган.

7. Касал кўргани келган киши беморга Фотиҳа, Ихлос, Фалақ ва Нос суралари каби руқия ҳисобланувчи суралар билан дам солиб, маъсур дуолар ила унинг ҳаққига дуойи хайр қилиши мустаҳаб амаллардан саналади. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирорта беморни кўргани борсалар ёки У кишининг ҳузурларига бемор келтирилса, шундай дуо ўқирдилар:

رَبِّ النَّاسِ أَذْهَبِ الْبَاسَ , وَاشْفِ أَنْتَ الشَّافِي , لَا شِفَاءَ إِلَّا شِفَاؤُكَ
شِفَاءَ لَا يُغَادِرُ سَقَمًا“.

Маъноси: “Эй инсонларнинг Раббиси Аллоҳ, (бу инсондан) дардни арит, унга шифо бер, зеро, Сен ўзинг шифо берувчисан, Сенинг шифоингдан ўзга шифо йўқдир. Унга бирорта касаллик ва иллатни қолдирмайдиган даражада комил шифо бергин!” (Муслим ривояти).

Шунингдек, касалга уч марта шифо сўралади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу)ни зиёрат қилганларида уч марта: “اللَّهُمَّ اشْفِ سَعْدًا” “Аллоҳумма-шфи Саъдан” (Эй Аллоҳ, Саъдга шифо бер!), дея дуо қилдилар (Бухорий ва Муслим ривояти).

Ойша онамиздан ривоят қилинади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хасталанган вақтларида ўзларига “Муаввизот”ни ўқиб дам солардилар, дард ва оғриқлари кучайиб кетгандан сўнг, у кишига мен ўқирдим ва баракасидан умид қилган ҳолда, қўлларига дам солиб, кейин у кишининг қўлларини ушлаб баданларига суртардим”.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг бундай деганларини ривоят қилади: “Қайси бир мусулмон банда беморни зиёрат қилар экан, унга етти марта:

أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ، رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، أَنْ يَشْفِيكَ

Буюк Аршнинг эгаси бўлмиш Улуғ Аллоҳдан сенга шифо беришини сўрайман, деб айтса, албатта унга шифо берилур” (*Аҳмад ва Абу Довуд ривояти*).

8. Зиёратчи беморни уринтириб қўймаслик, зериқтириб юбормаслик унинг унинг ҳузурида жуда узоқ ўтириб қолмаслиги лозим. Аммо беморнинг ўзи зиёратчини яхши кўрганидан, у билан кўпроқ суҳбатлашгиси келганлигидан яна бироз қолишини илтимос қилса, унинг ўтинчини ерда қолдирмаслик афзалдир. Чунки баъзан бемор ўзи яхши кўрадиган айрим кишилар билан узоқроқ гаплашиб, кўнгил чигилини ёзгиси келади. Қисқаси, бу масалада ҳолат тақозосига қараб йўл тутиш маъқул саналади.

9. Зиёратчи беморнинг соғайишига бўлган умидини кучайтириши, ушбу мусибатида сабр билан безанишга чорлаши ва умидсизликдан қайтариши лозим. Чунки касалликка сабр қилиш ва Аллоҳдан енгиллик бўлишини кутиш кишига ажр-савоб келтиради ҳамда хайрли оқибатга сабаб бўлади. Аксинча, сабрсизлик ва ноумидлик туфайли инсон гуноҳкор бўлиши билан бирга ўз саломатлигига ҳам ортиқча зиён келтиради.

10. Шунингдек, зиёратчи беморга таскин ва тасалли бериши, албатта соғайиб кетиши ва Аллоҳ хоҳласа, ҳали кўп яшаши ҳақида гапириб, кўнглини кўтариши лозим. Бу борада қуйидаги ҳадис ворид бўлган:

إِذَا دَخَلْتُمْ عَلَى الْمَرِيضِ فَتَفَسَّوْا لَهُ فِي أَجَلِهِ فَإِنَّ ذَلِكَ لَا يَزِدُّ شَيْئًا وَيُطَيِّبُ نَفْسَهُ

Маъноси: “Бемор ҳузурига кирганингизда унга тасалли беринг. Бу албатта қазони қайтармайди, лекин унинг кўнглини хуш қилади” (*Термизий ривояти*). “Унга тасалли беринг”, дегани беморга умри, иншоаллоҳ, узун бўлиши, ҳали кўп яшаши ва бу дарддан албатта фориғ бўлиб, тузалиб кетиши ҳақида таъкидлаб, кўнглини

кўтаринг, деган маъноларни англатади. Гарчи мазкур ҳадис иснодини айрим уламолар заиф десалар-да, лекин унинг мазмунига маълум миқдорда далолат қилиб, маъноси дурустлигига гувоҳлик берувчи бошқа ривоятлар ҳам бор. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беморни зиёрат қилсалар: “*لا بأس، طهور إن شاء الله*” “Лаа баъс, тоҳур, иншоаллоҳ”, яъни “Зарари йўқ (тузалиб кетасиз), иншоаллоҳ, бу касаллик туфайли гуноҳларингиз ювилади”, деб айтардилар.

11. Зиёратчилар бемор ҳузурида шовқин-сурон кўтармасликлари, бир-бирлари билан талашиб-тортишмасликлари лозим. Зеро, бу иш беморга азият етказди. Бордию, шундай ҳолат рўй берса, бемор улاردан кетишларини талаб қилишга ҳақли бўлади.

12. Юқумли касалга мубтало бўлган киши бошқа бировни – хоҳ у бемор бўлсин, хоҳ соғлом бўлсин – зиёрат қилишдан сақланиши лозим. Чунки бундай киши беморни зиёрат қилганида ўша касаллиги зиёрат қилинаётган кишига юқиб қолса, беморнинг бир дарди иккита бўлиб, аҳволи оғирлашиши мумкин.

13. Қодир бўлган киши беморга нимадир ҳадя қилса, нур устига нур бўлади. Чунки бу ишда унга нисбатан меҳр ва ҳамдардлик изҳори намоён бўлади.

14. Зиёратчи бемордан ўз ҳаққига дуо қилишини сўраши ҳам мустаҳаб саналади.

Мундарижа

<i>Зиёрат</i>	3
<i>Зиёратгоҳлар фазилати</i>	4
<i>Ислоҳ динида зиёратга бўлган муносабат</i>	6
<i>Зиёрат одобларига зид ишлар</i>	8
<i>Зиёрат қилувчи эътибор қаратиши</i> <i>лозим бўлган жиҳатлар</i>	9
<i>Ота-онанинг вафотидан кейин уларга</i> <i>қилинадиган яхшиликлар</i>	21
<i>Қабристонларни обод этиш – ўтганларнинг</i> <i>руҳи покларини шод этишдир</i>	23
<i>Муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар</i>	26
<i>Ҳадис илмининг султони</i>	27
<i>Регистон мажмуаси</i>	34
<i>Шердор мадрасаси</i>	34
<i>Улуғбек мадрасаси</i>	34
<i>Шоҳи Зинда мажмуаси</i>	35
<i>Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси</i>	36
<i>Ҳожа Аҳрор Валий мажмуаси</i>	36
<i>Махдуми Аъзам мажмуаси</i>	37
<i>Ҳожа Дониёр мақбараси</i>	38
<i>Ҳазрати Хизр масжиди</i>	38
<i>Амир Темура мақбараси</i>	39
<i>Нодир Девонбеги мадрасаси</i>	40
<i>Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси</i>	42
<i>Бибихоним жоме масжиди</i>	43
<i>Солиҳ кишилар ва дўстларни зиёрат қилиш</i>	45
<i>Беморни зиёрат қилувчига тавсиялар</i>	46

Қайдар учун

Диний-маърифий нашр

Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ

ЗИЁРАТ ОДОБЛАРИ

Муҳаррир Жамшид ШОДИЕВ

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ

Бадий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2015 йил 8 июнда берилди. Босишга 2015 йил 10 июнда
рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 3,25. Шартли б. т.: 4,0. Адади: 2000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Муҳаррир” нашриёти босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар. Элбек кўчаси 8-уй.